



O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 18-iyun • Payshanba • 73 (30.034) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqqan boshlagan

«Барчамизга маълумки, инсон ўзligини анлагани, насл-насабини чуқурроқ билгани сари юрагиди ВАТАНГА МУҲАБАТ ТУЙГУСИ илдиз отиб, улғая боради. Бу илдиз қанча те-ран бўлса, тугилиб ўсан юртга муҳаббат ҳам шу қадар юксак бўлади».

Бугун юртимизнинг қай гўшасига борманг, улкан бунёдкорлик ишларининг, йирик ўзгаришларнинг гувоҳи бўласиз. Одамларнинг руҳи тетик, кайфияти кўтаринки эканига ишонч ҳосил қиласиз. Зеро, ота-боболаримиз оруз қилган озод ва обод кунларни кўриш ҳар бир юртдошимизга чексиз гурур ва ифтихор бахш этади.

Бутун мамлакатимиз каби Андижон вилоятида ҳам Юртбошимиз раҳнамолигида истиқлолнинг дастлабки йилларидан кенг қамровли бунёдкорлик ишлари амалга ошириб келинмоқда. Кенг ва раван йўллар, кўприклар, кўрам, мухташам бинолар, ишлаб чиқариш корхоналари, обод зияратгоҳларни кўриб кўз қувнайдим.

Жорий йилнинг ўтган даврида Андижон шаҳрида эллиқдан ортиқ хизмат кўрсатиш ва сервис шохобчалари ишга туширилди. Айниқса, шаҳар марказида барпо этилган «Бахт уйи» ёшларга муносиб туҳфа бўлди.

— Истиқлол йилларида шаҳримиз янада гуллаб-яшнамоқда, — дейди «Маҳалла» жамғармаси вилоят бўлими раиси Икромиддин Валиев. — Юртбошимизнинг тавсиялари билан бу ерда катта бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилмоқда. Шунингдек, шаҳардаги 74 маҳалла фуқаролар йиғинида ҳам ободонлаштириш, аҳоли фаровонлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётди. Буларнинг барчаси юртимизда ҳукми сураётган тинчлик ва осойишталик, барқарорлик самарасидир.

Ўтган йили ишга туширилган Андижон шаҳар «Ёшлар маркази»да йигит-қизлар кўплаб касб-хунар сирларини ўрганмоқда, спортнинг ўндан ортиқ тури билан шуғулланмоқда. Марказ 800



АНДИЖОН ЧИРОЙ ОЧМОҚДА



Ўринли тўйхона, ахборот-ресурс маркази, болалар шаҳарчаси ҳамда ўқув марказларини ўз ичига олган. Шаҳарнинг Боғишамол

дахасидаги Бобур боғи ҳар доим андижонликлар ҳамда меҳмонлар билан гавжум. Бу ерда турли аттракционлар, дам олиш масканлари улгарга намунали хизмат кўрсатади. Бугун Андижон аҳли улкан бунёдкорлик ишларидан мамнун, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшиш бахти, дорилмон, тинч ва осойишта кунлардан шукроналик ҳисси билан яшамоқда.

М.СУЛАЙМОНОВ,
Ў.А. МУҲБИРИ,
Ш.ОЛИМОВ (Ў.А.)
олган суратлар.



ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

16-17 июнь кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси аъзоси Н.Алимов «Археология мероси объектларини муҳофаза қилиш ва улардан фойдаланиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қўн сонли археология мероси объектларини аниқлаш, ўрганиш, сақлаш ва улардан фойдаланиш тартиби белгилаб қўйилган. Унда археология мероси объектларига бўлган мулк ҳуқуқи, археология мероси объектларини Маданий мерос объектларининг давлат кадастрига киритиш ва ундан чиқариш, тегишли давлат органлари ва ташкилотларнинг мазкур соҳадаги ваколатлари, археология ашёларини ҳисобга олиш ва сақлаш каби муҳим масалалар тартибга солинади.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш пайтида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Депутатлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги қўн асрлик миллий тарих ва маданиятнинг ажралмас қисми бўлган археология мероси объектлари давлат томонидан ишончли муҳофаза қилинишининг муҳимлиги, уларни изчил ўрганиш ва тадқиқотлар натижаларини жаҳон жамоатчилигига етказиш, ёш авлодни тарихий фактлар асосида тарбиялаш зарурлиги устида тўхталиб ўтдилар. Мустақиллик йилларида халқимизнинг қадимий бой маданий меросини тиклаш ва тарғиб қилиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги, шу сабабли депутатлар бу масалага бундан буюн ҳам катта эътибор қаратишлари алоҳида таъкидланди.

Муҳокама пайтида билдирилган фикр ва мулоҳазаларни инобатга олган ҳолда Қонунчилик палатаси Қонунни қабул қилди. Қонун маъқуллаш учун Олий Мажлис Сенатига юборилади. Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари А.Абдуназаров «Электр энергетикаси тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Қонун лойиҳасида электр энерге-

тикаси соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари, бу соҳадаги давлат назорати органларининг, мамлакат ягона энергетика тизимидаги электр энергияси ҳосил қилувчи корхоналарнинг ваколатлари, мазкур соҳадаги бошқа долзарб масалалар белгилаб берилган.

Қонун лойиҳасини моддама-модда муҳокама қилиш жараёнида депутатлар электр энергиясини ҳосил қилиш, узатиш ва сотишда бозор механизмларини ривожлантириш шароитларида Ўзбекистон Республикасининг электр энергетикасини янада такомиллаштириш зарурлигини қайд этдилар. Бунда электр энергиясини ҳосил қилувчиларнинг ҳам, истеъмолчиларнинг ҳам ҳуқуқ ва мажбуриятларини қонунчилик йўли билан тартибга солиш муҳимлиги таъкидланди. Электр таъминоти шартнома-сига кўра худудий электр тармоқлари корхонаси бош ишончнома асосида истеъмолчига уланган тармоқ орқали электр энергияси етказиб бериш мажбуриятини олади, истеъмолчи эса фойдаланилган электр энергияси ҳақини ўз вақтида тўлаш, шунингдек, унинг шартномада назарда тутилган истеъмол қилиш режимида ривож этиш, ўзининг тасарруфидаги электр тармоқларидан фойдаланиш хавфсизлигини ҳамда электр энергияси истеъмоли билан боғлиқ ўзи фойдаланадиган приборлар ва асбоб-ускуналарнинг яроқлилигини таъминлаш мажбуриятини олади. Электр таъминоти шартномасининг тарафлар учун мажбурий бўлган шартлари Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига, бошқа қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Қонунчилик палатаси депутатлар кiritган таклифларни ҳисобга олган ҳолда, шунингдек, қонун лойиҳасини такомиллаштириш мақсадида масъул қўмитага ҳужжатнинг айрим ҳуқуқий нормаларини маромига етказиб, уни палатанинг кўриб чиқиши учун киритиш вазифасини топширди.

(Ў.А.)

ЎзХДП: электротар манфаати

Самарқандда аҳолига қулайлик яратиш, хизмат кўрсатиш сифатини ошириш масалаларига алоҳида аҳамият берилмоқда. Жумладан, яқинда шаҳар ва унга туташ туманлар аҳоли-сига транспорт хизмати кўрсатишни янада яхшилаш мақсадида 200 та янги автобус йўналишига қўйилди.

АВТОБУС ҚАТНОВИ ЯХШИЛАНДИ

— ЎзХДП вилоят кенгаши қўшидаги депутатлик гуруҳи ташаббуси билан Самарқанд шаҳар ҳокимлигига аҳолининг кам таъминланган, ёрдамга муҳтож қатлами, яъни партия электротари вакиллари манфаатлари ҳимоя қилинган ҳолда шаҳар йўналишлари ҳамда унинг атрофидаги туманларга автобус қатновини йўлга қўйиш мақсадида йўрожаат қилинган. Мазкур ёзма мурожаат халқ депутатлари Самарқанд шаҳар Кенгаши сессиясида муҳокама этилиб, масала ижобий ҳал этилди, — дейди ЎзХДП депутатлик гуруҳи раҳбари, вилоят кенгаши депутати Фармон Тошев.

— Шундан сўнг партия-дорларимиз, фаоллар, хайрихоҳлар билан ҳамкорликда шаҳар ичида қатновчи автобуслар сонини кўпайтириш, аҳолига транспорт хизматини яхшилаш бўйича тегишли ташкилотлар раҳбарларига мурожаат қилдик. Бу мурожаат ҳам вилоят

ҳокимлигининг саёй-ҳаракати тўғрисида ижобий ҳал этилди. Яқиндан қўйилган Самарқанд шаҳри ва унга ёндош туманлар аҳоли пунктларига замонавий ИСУЗИ автобуслари қатнай бошлади. Аҳолига жамоат транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш ишлари икки босқичда амалга оширилди. Дастурнинг биринчи босқичига асосан шаҳар ва унга яқин туманлар аҳолисига транспорт хизмати кўрсатиш учун 200 та янги автобуслар йўналишлари қўйилди, — дейди марказ масъул ходими Эдуард Арутюнян.

Хозирги вақтда автобуслар шаҳар ва унинг атрофидаги 23 та йўналиш бўйлаб аҳолига хизмат қилмоқда. — Хайдовчиликка қабул жараёнида вилоятдаги қатор идора, ташкилот ҳамда ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимларидан иборат комиссия тuzилиб, ҳар бир ходим

синовдан ўтказилди. Комиссия ҳулосасига кўра айни кунларда 240 нафар хайдовчини ишга қабул қилдик, — дея сўзга қўшилди 2531-сонли автожамланма бош муҳандиси Искандар Шодиев. — Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни яхшилаш мақсадида «Самарқанд йўловчи-транс» шўъба корхонаси ташкил этилиб, республика акциядорлик тижорат Асака банкнинг Самарқанд филиалидан 9 миллиард 790 миллион сўмлик кредит олдик. Шу маблағга Самарқанд автобуслар заводида автобуслар харид қилдик. Келгусида яна йўналишлар ва автобуслар сонини оширишни режалаштирялмиш.

Абдували ХУДОЙРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ТАШАББУСКОРЛИК, ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ

бор жойда ўзгариш бўлади, эртанги кунга ишонч мустаҳкамланади



Ўзбекистон Халқ демократик партияси Марказий Кенгаши томонидан Урганч, Қарши ва Самарқанд шаҳарларида Президентимиз ташаббуси билан қабул қилинган Инқирозга қарши чорлар дастури, «Кишлоқ таракқиёти ва фаровонлиги йили» Давлат дастурини амалга оширишда партия маҳаллий ташкилотлари ва халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги депутатлик гуруҳларининг иштироки самарадорлигини ошириш масалаларига бағишланган минтақавий семинарлар ўтказилди.

Урганч шаҳрида бўлиб ўтган семинарда Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидаги партия ташкилотлари, депутатлик бирлашмалари раҳбарлари иштирок этди. Электротар манфаатларини таъминлаш йўлида амалга оширилган ишлар атрофида муҳокама этилди. Баъзи депутатлик бирлашмалари худудлардаги ижтимоий аҳамиятга моллик масалаларни ҳал этишда етарлича ташаббускорлик ва қатъийлик кўрсатилмаганлиги қайд этилди ва бу борадаги ишлар самарадорлигини ошириш юзасидан фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Аҳмадхон ВАЙСОВ,
Ўзбекистон ХДП Хонқа туман кенгаши раиси:

— Бугунги семинарда партия ташкилотларимизнинг электротар манфаатларини ҳимоя қилишдаги фаолиятига берилган танқидий баҳо ўринли деб ҳисоблайман. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, партия ташкилотларимиз ва депутатлик гуруҳларимиз фаолиятини янги поғонага кўтариш зарур. 2009-2012 йилларга

мулжалланган Инқирозга қарши чоралар дастури бажарилишида янада фаолроқ иштирок этишимиз, жойларда тарғибот-ташвиқот ишларини жонлантиришимиз, бу йўналишда янги усуллардан фойдаланишимиз лозим. Шундан партия Марказий Кенгаши томонидан олдимишга қўйилаётган вазифаларни талаб даражасида бажаришга эришамиз.

Ўғилжон АЛЛАБЕРГАНОВА,
Ўзбекистон ХДП Гурлан туман кенгаши раиси:

— 2008 йил сентябрь ойида ҳамда жорий йилнинг январда Марказий Кенгаш Ижроия қўмитасининг on-line тарзида ўтказилган кенгайтирилган йиғилишидан кейин ишларимизни жонлантириш бўйича тегишли ҳулосалар чиқарилди. Туман аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш борасида олиб борилаётган ишлар билан яқиндан танишиб чиқдик. Партия туман кенгаши ҳамда депутатлик гуруҳининг қўшма йиғилишида масалани муҳокама этиб, халқ депутатлар туман Кенгашининг навбатдаги сессиясига киритишга қарор қилдик.

Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши Ахборот-ресурс марказида ўтказилган минтақавий семинарда Бухоро, Сурхондарё, Қашқадарё вилояти ҳамда

улар тасарруфидаги туман, шаҳар партия кенгашлари раислари иштирок этди. 2009 йилдаги устувор ижтимоий масалаларни амалга оширишда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳлари ва маҳаллий партия ташкилотларининг самарали иштирокини таъминлаш зарурлиги ҳақидаги масала муҳокамаларда асосий ўрин эгаллади.

Ҳамро ЭРМАТОВ,
Ўзбекистон ХДП Сурхондарё вилоят кенгаши раиси:

— Вилоят Кенгашидаги партия-миз депутатлик гуруҳи Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 29 майдаги «Республика Иттифоқини тармоқларини 2008-2009 йиллар куз-қиш мавсумида барқарор ишлашини таъминлаш чоралари тўғрисида»ги қарори бўйича мониторинг ўтказиб, аҳолини яхшилаш борасида сессия кун тартибига масала киритди. Давлатимиз раҳбари томонидан ҳар бир йилга ном берилиб, алоҳида соҳани ривожлантиришга қаратилган давлат ва худудий дастурлар ижросини таъминлаш бош мақсадимиз бўлиши лозим. Уларда устувор ижтимоий масалалар белгилаётган электротартибимиз манфаатларига мос келади.

(Давоми 2-бетда)

O'zbekiston havo yo'llari

Хизматлар лицензияланган




ШАҲРИСАБЗДАГИ
ШИНАМ
УЙЛАР

2



ЎЛИМ
ЧАНГАЛИ

3



МУЎТАБАРЛИК
МАРТАБАСИ

4

Долзарб мавзу

Шахрисабзнинг экинзорлар бошланадиган мавзусида кейинги пайтда қурилиш ашёлари бозори барпо бўлди. Бу ерга келган одам иморат тиклаш ниятида юрганларни суҳбатига гувоҳ бўлади.

— Уйни нимадан кўтардингиз, Амир ака?

— Пишиқ гиштдан тикладик, — мамнун гапирди Амир ака дегани. — Юртбошимиз бир пайтлар Шахрисабзда қурдирган пишиқ гиштли уйлари кўриб келдим. Саксонинчи йиллар ўртасида қурилган бу уйлар бизбоп, уч-тўрт хонали, кўп маблаг кетмаскан...

Эсимда бор, Юртбошимиз вилоятга раҳбарлик қилган пайтларда замонавий, қулай ўй-жойлар қуриш масаласи доимо эътиборда эди. «Қашқадарё ҳақиқати» (ҳозирги «Қашқадарё») вилоят газетасининг 1989 йил 14 ноябрь сонида республика Олий кенгаши ва маҳаллий кенгашларга ўтадиган сайловлар арафасида мамлакатимиз раҳбари шахрисабзлик сайловчилар билан учрашгани тўғрисида «Эл хизмати осон эмас» сарлавҳали мақола босилган. Мавзуга алоқадор бўлгани учун унинг айрим жойларини келтирмоқчиман:

«...Хўжалиқларга қараганда, одамлар қарамоғидаги томорқалардан 4-5 баравар кўп даромад олинаяпти. Агар томорқалар яна икки марта кўпайтирилса, озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш бундан ошадди. Кўп болали оилаларда аёллар меҳнат қилолмай қолишяпти. Аммо уларнинг шунча болани тарбиялагани, оилани тебратгани меҳнат эмасми?.. Китоб — Шахрисабз шароитида қанчадан томорқа берилишини комиссиялар аниқлаб, адолатсизликка йўл қўймайликлар лозим. Давлат маблағлари ҳисобидан ўй-жойлар қурилиши кўпайтирилади. Аммо яқна тартибда ўй қуриш учун ер ажратиб бериш муҳим аҳамиятга эга...»

И.А.Каримов: — Мана, Шах-

рисабзда яхши тажриба бор. Колхоз раиси Абдинаби Қасанов шу ердими? Қандай бригада тузганини, қандай уйлар қураётганини гапириб берсангиз.

А.Қасанов: — Алоҳида қурилиш бригадаси тузганмиз, 85 нафар бинокор меҳнат қилапти. Ҳозиргача 150 та қурдик...»

Эслаймиз. Ҳа, йилларда ахвол

Ганнинг рости, манзара шунчалар гўзалки, кўз олгинг келмайди. Дарахтзорлар бағрида кўркам болалар боғчаси, мактаб, клуб бинолари қад кўтариб турибди. Айниқса, кўшқаватли чойхона биноси эътиборингизни тортади. Пешайвонли бинода миллий меъморчилигимиз аънаналари яққол сезилади.

— Бу бино қурилишини Юртбошимиз вилоятга раҳбарлик қилганларида кўп келиб кўрганлар. — ҳикоя қилади Шарип Ибрагимов. — Одамларнинг қурби етадиган, арзон, аммо шинам уйлар тиклашни тақлиф

билан 5 та. Уйни ўша 1987 йилда олганмиз. Қанчалик севинганимизни билсангиз эди. Шу уйда уч фарзандимизни улғайтирдик, набира кўрдик. Юртбошимизнинг қишлоғимизга кўп бора келганлари, одамларга кўрсатган меҳрибонликларини асло эсдан чиқармаймиз...

Уй ҳамма даврларда муқаддас кўрғон саналган. У инсон учун керак.

Масалан, ўзим ҳам саксонинчи йилларнинг охирида банкдан кредит олиб, тўрт хонали, болахонали иморат қургандим. Тўлиқ ёғочдан тикланган синч уй. Юсинлар орасига лой-кесак қалаб, лойсувок қилинган. Аммо ўтган йилги қишнинг совуқ кунларида уйни иссиқ-совуғи ҳақида уйламаганимиз, бундай пайтда тўлиқ пишиқ гиштдан тикланган иморатлар афзал эканлигини англадик.

— Қишлоқ аҳолисига камчиқим ва яхши лойиҳа асосида битадиган уйлар керак, — дейди Шахрисабз туман архитектора ва қурилиш бўлими меймори Зебо Юсупова. — Айниқса, ёш оилалар учун. Шунинг кўзда тутиб «Оқ олтин» қишлоғида қурилган уйлари ҳам ўрганганимиз. Жами 5 хил лойиҳани тақлиф қилаяпти. Яқна тартибда уй қуради-ганларнинг истагига кўра, томининг ёпилиши, дарвозахонаси ва бошқа қулайликлар лойиҳага қўшимча тарзда киритилиши мумкин. Аммо асосий талаб — уй пишиқ гиштдан тиклансин, барча қулайликлар бўлсин. Ана шундай лойиҳа асосида бундан уч-тўрт йил олдин Уймутов қишлоғида уйлар қурилди.

Уймутов Шахрисабз шаҳрига яқин қишлоқ, 18 та пишиқ гиштдан қурилган уй «Оқ олтин» қишлоғидаги уйларга ўхшашлиги рости. Аммо дераза ва эшикларни замон талабига мос равишда ўзгача. Ёш оилалар аллақачон кўчиб келган. Бир хонадон эгалари темир дарвоза ўрнига ёғочдан ўймакор эшик ўрнатди. Ниҳоятда чиройли. Янги уйлари кўздан кеңира туриб, Китоб туманидаги янги Қабзачона қишлоғини эсладим. Бундан олти йил бурун тоғли қишлоқдан 112 оила кўчиб келган, уларга янги уйлар қуриб берилган эди. Ҳозир оилалар сони 170 нафардан ошди. Яна 41 ёш оилага уй қуриш учун ер ажратилган. Бу уйларда ҳам ўша аънаналар яшаётгани, пишиқ гиштдан, барча қулайликлар кўзда тутилган уйлар қурилаётганига гувоҳ бўламиз.

Уйлаас, бугун энг чекка қишлоқларимизда ҳам қулай ва шинам турар жойлар, мактаб, коллежалар, спорт мажмуалари, йўл ва кўприклар қурилгани ва қурилаётгани кўнгилгимизни тоғдай кўтарди.



Жойларда қурилиш ашёларини арзонлаштиришга хизмат қиладиган пишиқ гишт, цемент, гипс ишлаб чиқарадиган корхоналар бирин-кетин ишга туширилмоқда. Биргина Қашқадарё вилотида бир неча миллиард дондан ортик пишиқ гишт ишлаб чиқариш имкониятлари мавжуд.

Президентимизнинг «Қишлоққурилишбанк» акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида»ги Қарори ва бошқа ҳуқуқат қарорлари, раҳбаримизнинг ташаббуси билан ташкил этилган «Қишлоққурилишлойиҳа» лойиҳа-кидирув институти қишлоқларимиз тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилади. Эндиликда юртимизнинг бошқа жойларида бўлгани каби Қашқадарёда ҳам бош режа асосида қишлоқлар қайта қурилаяпти. Қулай лойиҳалар асосида янги турар-жойлар бино бўлмоқда.


«Қишлоқ тараққиёт топса, юртимиз обод, ҳаёти-миз янада фаровон бўлади», деган эди Юртбошимиз. Ободончилик, янги турар жойлар қуриш фаровонлик ва тараққиётнинг асосий таркибий қисмидир. Қашқадарёда «Ватан қурай» деган иборани уй-жойга нисбатан қўллаб келишадди. Зеро, Ватан ободлиги уй-жой, рўзгор ободлигидан бошланади. Шулар ҳақида ўйлаганимиз Шахрисабзнинг узоқ тоғли худудида қарор топган «Оқ олтин» қишлоғини эсга оламиз. Қишлоқдаги шинам уйларда яшаётган одамлар кўз ўнгимдан ўтади.

Юнус УЗОҚОВ,

«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ШАХРИСАБЗДАГИ ШИНАМ УЙЛАР

ёки замонавий қишлоқ қиёфаси ҳақида фикр-мулоҳазалар



оғир эди. Марказ бир қарич ҳам ерни томорқа ёки яқна тартибда уй қуриш учун ажратилиши ис-тамас, пахта яқнахоқимлиги-дан одамлар чексиз уқубат чека-ётган эди. Раҳбаримиз биринчи навбатда ана шу оддий одамлар-нинг қаддини кўтариши, улар-нинг ўз ерларига эга бўлишлар-и, яхши уйлар қуришлари учун курашди.

— Уша кезда мен Шахрисабз туманига раҳбарлик қилардим, — дейди ЎзХДП фаоли, «Нуроний» жамғармаси вилоят бўлими раҳ-бари Январ Иноятов. — Ислоом Каримов ҳар гал келганларида ўзлари ушбу қишлоқдаги қури-лиш бошига чиқиб борар, мас-лаҳат берар, кам-кўстларни би-тиришга кўмаклашардилар. Уй-лар битгач, кўп оилаларга уйлар-нинг қалитини ўз кўллари билан топширганлар.

Айтилган манзарани кўриш учун йўлга отландим. Қир-адирлар, дарахтзорлар бағридаги кўркам қи-шлоққа етиб келганимда кўёш анча кўтарилиб қолган эди. Ёши улғу, умри эл хизматида ўтаётган Тўда-майдон қишлоқ фуқаролар йиғини котиби Шарип Ибрагимов 9 та қишлоқда 14 мингга яқин аҳоли ис-тикомат қилаётгани, яхши ўзга-ришлар ҳақида ҳикоя қилиб, кўркам бинолар, уйлар сари бошлади.

қилиб, қурилиш қандай кетаётгани-дан тез-тез хабар олиб турдилар. Юринг, ўша уйлари кўрайлик...

Уша кезда қурилган уйлар қи-шлоқ тусини олиб, «Оқ олтин» дея атайиб кетган экан.

— Юртбошимиз ўзлари ке-либ, шу уйларда униб-ўсин-гилар, деб тилак билдирган-дилар, — дейди хонадон со-ҳиб Раҳмат Разоқов. — Ушанда турмуш ўртоғим хўжалиқда ишларди. Қаранг, 4 та асосий хона, даҳлизи

молга етиш, фарзандларини улғай-тириш, ҳаёт ато этган қулайликлар-дан баҳраманд бўлиш маскани. Унинг қулай, арзон ва замонавий бўлгани маъқул.

Чироқчилик бир таниш тадбир-кор кўшқаватли, кўп хонали уй қу-ргани, болалари юқори қаватларда яшашга кўника олишмаётгани ҳақида гапириб қолган эди. Назар солайлик, қишлоқларда баъзи бир-лар хайхотдек иморатларни тикла-шяпти. Бироқ энг муҳими, йўл ва кўприк-лар ҳужажурин ёки мақтанаш учун эмас, аввало яшаш учун қулай бўлмоғи

ТАШАББУСКОРЛИК, ЯНГИЛИККА ИНТИЛИШ

бор жойда ўзгариш бўлади, эртанги кунга ишонч мустаҳкамланади

ЎзХДП Самарқанд, На-воий, Жиззах вилоят, туман, шаҳар кенгашлар-и раислари, маҳаллий Кенгашлардаги партия депутатлик гуруҳлари раҳбарлари иштирокида Самарқанд шаҳрида ўтган семинарда ҳам ушбу масалалар хусуси-да атрофлича сўз юри-тилди.

Аҳолини ижтимоий му-хофаза қилиш тизимини мустаҳкамлаш ва ижти-моий соҳани ривожлан-тириш Инкирозга қарши чоралар дастурининг ус-туворликларидан бири эканлиги алоҳида таъ-кидланди. Партия таш-килотлари, депутатлик бирлашмалари ушбу дастурнинг асосий қоидаларини электрот

орасида кенг тушунти-риши ва уларни амалга оширишга муносиб ҳисса қўиши бўйича тақлифлар билдирди.

Камолбой ИСОБЕ-КОВ, Ўзбекистон ХДП Самарқанд вилоят кен-гаш раиси:

— Вилоятда партия-мизнинг 20 мингга яқин аъзоси бир мақсад ат-рофида жипслашган. Бу албатта катта куч. ЎзХДПдан сайланган де-путатлар томонидан ил-гари сурилаётган қатор масалалар ижобий ечим топаётгани электрот манфаатлари химояси йўлида ташланаётган му-ҳим қадамдан далолат беради. Партиянинг дав-лат мақсади мамлака-тимиз раҳбари ташаббу-си билан жорий этилган «Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили» Дав-

лат дастури билан уйғу-ним. Шу сабабли партия зиммасига жорий йилда улкан вазифалар юкля-тилган. Семинарда тўғри таъкидланди, бош-ланғич ташкилотларимиз ишини жонлантириш ол-димизда турган мақсад вазифаларга эришишда муҳим омил бўлиб хиз-мат қилади.

Мазкур семинарларда иштирок этган ЎзХДП Марказий Кенгаши раис-и ўринбосарлари, Ко-нунчилик палатаси депу-татлари Улғубек Вафоев, Ҳамидулла Назаров халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги Ўзбе-кистон ХДП депутатлик гуруҳлари ва жойларда-ги партия ташкилотлари томонидан электрот манфаатларини таъмин-лаш йўлида олиб бори-лаётган ишлар самара-

дорлигини ошириш бо-расидаги вазифалар, ижтимоий йўналтирилган давлат дастурларининг ҳаётга таъбиқ этилиши-да мониторинг ўрнатиш тўғрисида маърузалари тингланди. Сайлов конунчилигига киритил-ган ўзгаришлар, Олий Мажлис Конунчилик па-латаси ва халқ депутат-лари маҳаллий Кенгаш-ларига бўлиб ўтадиган сайловларнинг ўзига хо-слиги хусусида қуйи палатадаги ЎзХДП фрак-цияси аъзоси Фахрид-дин Ражабов сўз юрит-ди.

Тадбирларда муҳокама этилган масалалар юза-сидан маҳаллий партия ташкилотлари фаолияти-ни кучайтиришга оид тавсиялар берилди.

Ўзбекистон ХДП МК Матбуот хизмати

(Давоми. Боша 1-бетда)

ЎзХДП: «Истиқбол» ёшлар қаноти

Мамлакатимизда барқарор ривожланиш жараёнари изчил дав-омдотмоқда. Бу жараён жамиятдаги барча соҳаларни қамраб ол-ган. Ҳаётимизда ижтимоий адолат, демократия ва барқарор тарақ-қиёт тамойиллари давлат ва жамият қурилишини эркинлаштириш-нинг муҳим йўналишларига айланди. Бу борада эртанги кунимиз яратувчилари бўлган ёш авлоди билимли, ҳар томонлама баркамол шахс этиб тарбиялаш бугунги куннинг муҳим вазифаларидан бири.

БУГУН ВА КЕЛАЖАК АСОСЧИЛАРИ

Ешларнинг ҳуқуқий билим ва сиёсий фаолигини ошириш ма-саласига Ўзбекистон Халқ демок-ратик партияси изчил эътибор бе-риб келмоқда.

Кўни кеча «Ёшлик» талабалар шахарчаси партия кенгаши ташаб-буси билан шахарча худудида жой-лашган Ўзбекистон Миллий уни-верситети, Тошкент молия инсти-тути талабалари иштирокида «Ёшлар — бугун ва келажак асо-счилари» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Тадбирда «Ёшлик» талабалар шахарчаси ХДП партия кенгаши Ижрия қўмитаси аъзолари, ша-ҳарча ҳокими ўринбосари Ибо-дулла Бердиев ва «Истиқбол» ёшлар қаноти фаоллари иштирок этди. Унда сўзга чиққан «Ёшлик» талабалар шахарчаси партия кен-гаш раиси Нурмухаммад Қар-шиев ёшларга оид давлат сиё-сати, сиёсий партиялар, улар-нинг фаолияти, хусусан, ЎзХДПнинг дастурий мақсади, «Истиқбол» ёшлар қаноти, Жамо-атчилик қабулхонаси фаолияти ҳақида маълумот берди.

батта фаоллик талаб этади, — дей-ди «Ёшлик» талабалар шахарчаси партия кенгаши «Истиқбол» ёшлар қаноти раиси Хусан Умаров. — Чунки Юртбошимиз ҳам айнан ёшларимизнинг ғайрат-ши-жоатини, ўз кучига ишончини, ўз эли ва юртинда гурурланиш туй-ғуларини кўрган, улкан мақсадлар билан яшаётганини кузатган ҳар қандай одам Ўзбекистоннинг ке-лажаги чиндан буюк эканига ишонч ҳосил қилади, деган эъти-рофлари биз ёшларга катта масъ-улият оқлайди. Бунни оқлаш, юрт-га муносиб фарзанд бўлиб ети-шиш бурчимиздир.

— Бугунгидай давра суҳбати, се-минар-тренинглар, айниқса, партиянинг ёш аъзолари учун жуда фойдали, — дейди Шарқшунослик институти тарих факультети I-курс талабаси Барҳаёт Давов. — Бун-дай тадбирлар ЎзХДПнинг дав-лат мақсадларини чуқурроқ ан-гашимиз, мамлакатимиздаги сиё-сий жараёнларга мустақил фикр билдира олишимизга кўмак бера-ди. Қолаверса, сафдошларимиз, партияимиз тарафдорлари ортиси-да ҳам муҳим восита бўлади.

Давра суҳбати иштирокчилари мавзу юзасидан баҳс-мунозара юритдилар.

Гулрўх ОДАШБОВА, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Қишлоқ тараққиёти ВА фаровонлиги йили

Ҳожа Али Ромитаний юрти — Ро-митанга қадам ранжида қилган киши қалбида ҳайрат уйғонади. Бу кент тилбегар анжирзор, сархил мевалар-и, бол томар боғларига гули гулзо-ри билан кишини ўзига ром этади. Шу боис бухороликлар уни «ором-тан» деб аташади. Одамлари меҳ-натсевар, меҳмондўст. Қайси қиш-лоққа борманг, кишиларни иш усти-да унрастасиз, каттаю кичик ўз касби билан банд. Ораста, саранжом уй-жойларнинг эшиги меҳмонга очик, Қўшнлар бир-бирининг меҳмонини ҳам кўнрақ тақлиф қилиб, топгани-ни дастурхонда баҳам кўради.

— Меҳмонни атоий Худо деб билиш буюк ажодлардан мерос, — дейди туман ҳоки-ми Маматқосим Оли-мов. — Одамларимиз яхши ишлагани, яхши яшашни ва меҳмон қутишни жойи-ла қўйишади. Юзимиз ҳаммиса ёруғ, катта қарвонда ўз ўрнимиз бор. Қишлоқларимизни айланган, ўзингиз бунга амин бўласиз.

Бир-бири билан чирой талашган кўп қаватли уйлар, кен ва ёруғ кўча-ларга жозоба баҳш этган арчалар, ҳар икки томони гулларга бурканган йўлаклар бизни «Ромитан» қишлоқ фуқаролар йиғини томон олиб бор-ди. Йиғин биноси билан бақамти, ат-рофи ўрикзор «Нурфшон» бадийий гимнастика маркази жойлашган. За-монавий услубда қурилган мазкур марказга бир тўда қизлар шошилиб кириб боришяпти...

— Худудимизда 56 та қишлоқ бор, — дейди қишлоқ фуқаролар йиғини

раиси, ЎзХДП фаоли Сайфулла Фа-туллаев. — Мавжуд саккизта маҳал-ларнинг ҳар бири обод, ўзига хос кўринишга эга. Табиатнинг пишиқ-чилик фасли-ёз ҳар бир хонадонга қут-баракка, фаровонлик олиб кирган.

Ана шундай гўшалардан бири — «Миришкор» маҳалласи. Бундан икки йил аввал туман маркази билан Пеш-ку туманини боғловчи бу йўл ўнқир-чўнқир, саҳни тор эди. Бугун бутун-лай бошқача манзара. Туман йўлсоз-лари илгари 9 метр кенликдаги йўл эзини 15 метрга етказиб, атрофига арча ва иқлимга мос бошқа манза-

ти зиёлилар. Оилаларнинг турмуш шароити яхши, фаровон. Қашгачи Дилором Қурбонова қўлидан сайқ-ал топган сўзана ва бошқа миллий либосларга ҳориждан ҳам харидор топилди, қандини урсин!

Катта асфальт йўлнинг қунчиқа-рида жойлашган Тарнаут қишлоғи бог-роғлар қуршовида. Бир томон-да иссиқхона, қишлоқ врачлик пун-кти, 8 та савдо дўкони, мактаб, бог-ча, истироҳат боғи, қариялар чой-хонаси, автомобилларга техник хиз-мат кўрсатиш шохобчаси, қўшқават-ли ҳовлилар, равон йўллар маҳал-лага ўзига хос таро-ват бағишлаган.

— Ютуқлар ўзимизни-ки, — дейди маҳал-ла фуқаролар йиғини раиси Шухрат Ража-ков. — Аммо муаммо-лар ҳам йўқ эмас. Аҳолининг эҳтиёжи учун «Гўзаллик саломи», сартарош-хона, этикдўзлик устaxonаси, тўйхо-на қуришиш керак. Тадбиркорлар-имиз кўмағида яқин орада бу му-аммонни ҳам ҳал қилиш устида из-ланаёпмиз...

— Еки Қалъачиорбоғ қишлоғини олинг. Бу ердagi «Ромитан», «Имежтекс» Россия — АҚШ — Ўзбе-кистон қўша корхоналарида қиш-лоқнинг юзлаб йигит-қизлари қил-лани қайта ишлаш, ип-қалава иш-лаб чиқариш билан банд. Маошлар-и ҳам мўмайгина. Қишлоқдаги му-аммолар баҳамжихат ҳал этилаёт-ти, одамлар бир-бирининг қувон-чи ташвишига шерик.

Даврон БАХРОНОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ижтимоий ҳаёт

ТАЪМИРЛАШ ИШЛАРИ қизгин бормоқда

Жорий йилда Қорақалпоғистон Республикаси газ-чилари мураккаб жерий таъмирлаш ишларини эрта баҳордан бошлаб юбордилар.


— Шаҳар худудида умумий газ тармоғи 749,6 километр, шун-дан юқори босим 62,6 километр, ўрта босим 223,9 километр, паст босим 463,1 километр-ни ташкил этади, — дейди «Нукусшаҳар-газ» филиали директо-ри Марат Наҳимов. — Ҳозиргача А.Бегимов, Бердак кўчалари,

«Май овул», «Балиқ за-води» аҳоли пункт-ларининг ҳар бирида 300 метрлик газ қувур-лари мураккаб таъмир-дан чиқарилди. «Узункўл», «Кизеткен» аҳоли пунктларига газ қувурлари ўтказилиб, жерий таъмирлаш иш-лари бажарилди. Шунингдек, газ боси-ми паст участкалардаги

муаммолар ўрганилиб, ижобий ҳал қилинмоқда. Кўнхўжа, Абай, Еренжеп бобо, Ж.Матмуратов, К.Худойбергенов, А.Ша-муратов кўчаларида яшаётган аҳолини таби-ий газ билан таъмин-лашни яхшилаш мақса-дида «Қумовул» элати-нинг И.Сагитов кўчаси бўйлаб айланма газ қувури ўтказилди. Газ қувурларини мураккаб, жерий таъмирлаш иш-ларини устакларга би-риктирилган таъмирлов-чилар олиб бормоқда.

Рейнибой ЕШИМЕТОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Тинчлик — тўқинчилик



Ёз фаслининг биринчи ойи ҳам шўҳоясига етиб борапти. Юртимиз боғларида гилол, ўрик, олма, узум, кўксунтон пилди, бозорларимизни тўлдирди. Ҳаёдалагу тарвузлар ҳам кўрина бошлади. Бободехқон пешона тери эвазига яратган мевачевлар халқимиз дастурхонини беэмоқда.




СИЁСИЙ ТАНГЛИК

ДАВОМ ЭТМОҚДА

Мамлакатлар парламентлари жамиятни ҳаёт уммониди турли тўқинлар домига тушиб қолиб, ўз йўналишини йўқитишдан асровчи кучдир. Парламентсиз жамиятни уммон қаърида қолган эшаксиз қайққа ўхшатиш мумкин. Денгиз тўқини қаёққа итқиса ўша ёққа юради. Молдовадаги бугунги сиёсий вазият худди шундай ҳолатда.

холифат партия фракциялари аъзолари эса икки тур сайловда ҳам иштирок этмади.

Республика Конституциясига кўра, президент сайловининг учинчи турини ўтказиш мумкин эмас. Демак, Асосий қонун-



Республика жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирида «халлослаб» турган бир пайта сиёсий инқирознинг юзага келиши мамлакатдаги аҳолини янада танг ҳолатга келтириб қўйди. Аслида бу танглик шу йилнинг 5 апрелида бўлиб ўтган парламент сайловидан кейинроқ газак олганди. Яъни, муҳолифат сайловда қолиб чиққан ҳукмрон Коммунистик партияни сайлов натижаларини сохталаштирганликда айб-лаб, норозилик намойишларини бошлаб юборган ва бу оммавий тартибсизликларга айлиниб кетган эди.

Бундан ташқари, парламентда бўлиб ўтган президент сайлови ҳам самарасиз якунланди. Биринчи турда ҳам, иккинчи турда ҳам фақат Коммунистик партия фракцияси депутатларига (60 нафар) иштирок этиб, барчаси президентликка асосий номзод Зинаида Гречаная учун яқдил овоз берган бўлса-да, аммо сайлашга олмади. Негаки, мамлакат Конституциясига кўра, номзод 61 та овоз олганга президентликка сайланади. Парламентдаги 101 та мандатнинг 41 тасини эгаллаган учта му-

зода ўтмаган собиқ бош вазир З. Гречаная президент таъсисига кўра яна бош вазирликка сайланди.

Шунингдек, яқинда Сайлов кодексига ҳам ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, партияларнинг парламент сайловларида иштирок этиши учун белгиланган «барьер» 6 фоиздан 5 фоизга туширилди. Ваҳоланки, муҳолифат 4 фоизга туширилишини талаб қилган эди. Аммо бу ўзгартишларга овоз бериш жараёнида яна муҳолифат вакиллари қатнашмади.

Дарвоқе, «барьер»нинг баландлиги учун ҳам апрелдаги парламент сайловларида 4 тагина партия сайловда иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди.

Яна шуни таъкидлаш лозимки, парламентда президент сайловини ўтказиш учун 50 фоизлик қворум талаб қилинарди. Энди эса бу талаб даражаси ҳам пасайтирилди, яъни депутатларнинг учдан бир қисми йилгилса, сайловни ўтказиш мумкин.

Бироқ бу ўзгартишлар айни дамдаги парламент депутатларига тааллуқли эмас. Негаки, икки турдаги президент сайлови барбод бўлган, амалдаги президент парламентни тарқатиб юбориши керак эди ва шундай қилди ҳам. В. Воронин навабатдан ташқари парламент сайловлари ўтказиш тўғрисида фармон эълон қилди. Унга кўра, шу йил 29 июль куни парламент сайловлари бўлиб ўтади.

Шунга ўхшаш манзара 2000 йилда ҳам бўлганди. Конституциявий ислохот натижасида президентнинг умумхалқ сайловиди сайловини тартиби парламентда овоз бериш тартиби билан ўзгартирилган, парламентда ўтказилган президент сайловда президент номзоди ўтмаган эди. Сўнг парламент тарқатиб юборилиб, навабатдан ташқари парламент сайловлари ўтказилган эди.

Алимқул СУЛТОНОВ

26 июнь — Халқаро гиёҳвандликка қарши кураш куни


XXI асрда гиёҳвандликнинг хавфлилик даражаси терроризм, уюшган жиноятчилик, экологик танглик сингари хавф-хатарлардан-да ортиб кетди. Зеро, гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилиш инсон соғлиги ва хавфсизлигига жиддий таҳдид солиш билан бир каторда жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва маданий негизига салбий таъсир кўрсатади. Яна бир фожиаги томони гиёҳвандлик уюшган жиноятчиликка кенг йўл очиб беради.

Шуни афсус билан кайд этиш жоизки, бу хавфли иллатга қарши нечоғли катъий кураш олиб борилмасин, уни истеъмол қилувчилар сони йил сайин ортиб бораётир. Тахминий ҳисоб-китобларга кўра, дунё миқёсида 200 миллиондан ортиқ киши гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддаларни истеъмол қилади.

БМТнинг гиёҳвандлик воситаларини назорат қилиш Дастури маълумотларига қараганда «оқ ажал» деб ном олган бу иллат ҳар йили ўзининг қабиҳ чангалига дунё аҳолисининг 3,3 фоизидан 4,1 фоизгача қисмини илтифатиради. БМТ қошидаги Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертларининг ҳисоблашларича, дунё миқёсида расман рўйхатга олинган гиёҳвандлик касалига мубтало бўлганларнинг сони 48 миллиондан ортиқроқ экан. Бу гоётада ташвишланарли ҳол. Чунки гиёҳвандликка чалинган бир нафар шахс йилга 8 дан 15 нафаргача кишини ўлим домига тортиши мумкин.

ЎЛИМ ЧАНГАЛИ

ёки оғуфрушликнинг аянчли оқибатлари хусусида



Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти суди жиноий гуруҳ аъзоларининг ҳар бирига нисбатан қонун доирасида жазо тайинлади. Энди тўғри йўлдан адашган бу кимсалар узоқ муддат ўз қилмишининг жабрини тортишга маҳкум. Қилмиш-қидирмиш деб шуни айтадилар.

ий тил бириктириб, қўлбола қайик ёрдамида 25 килограмм 167 грамм микдоридидаги «опий» гиёҳвандлик воситасини Амударё орқали Ўзбекистон ҳудудига олиб кираётганларида қўлга олинди. «Гаффор» ва «Панжи» воқеа жойидан яширинишга эришди. Муҳаммад Али Муҳаммад Ясин ўғли эса жиноий қилмиши учун қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлди. Жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди айбдорга нисбатан 18 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Наимжон Жумаев Сурхондарё вилояти божхона бошқармаси «Галаба» божхона пости инспектори лавозимида ишларди. Олий маълумотли бу йигитга кўпчилик хавас билан қаради: ёш бўлишига қарамай ҳаётда ўз ўрнини топанган, оила-си, фарзанди бор...

Кўза кунда эмас, кунда синади деганларидек унинг ҳам қилмиги кунни келиб қош бўлди. Н. Жумаев ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан Тожикистондан Ўзбекистонга кўп микдорда гиёҳвандлик воситаларини контрабанда қилиш ва сотишга гумонланиб текшириб қўрилди. Унинг бошқарувидаги енгил автомобил олд ўриндиги остидан 715 грамм «героин» гиёҳвандлик воситаси топилди. Шундан сўнг Н.Жумаевнинг томоқсиси ва уйи текширилди. Текшириш натижасида қарий 139 килограмм «опий» гиёҳвандлик воситаси Н.Жумаев томонидан яширин тарзда сақланганлиги аниқланди.

Суд Н.Жумаевга нисбатан 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади. Зотан, жиноятга жазо муқаррар.

Гиёҳвандфрушлик — қабиҳ жиноят. Қабиҳлиги шуки, бу жиноят ўта аянчли оқибатлар келтириб чиқаради — инсон соғлигини емиради, оилаларни ажратди, рўзғорини хароб қилади, майиб-мажруҳ фарзандлар дунёга келишига сабаб бўлади. Шундай экан, бу иллатга қарши барча баробар курашмоғи керак. Бефарқлик, лоқайдлик бу қабиҳ иллатга йўл очиб беради.


Феруза МУҲИДИНОВА, юридик фанлари номзоди.

РЕЗОЛЮЦИЯГА НИСБАТАН ВЕТО ЭЪЛОН ҚИЛДИ

БМТ миссиясининг Кавказортидаги фаолият муддати якунлангач, БМТ Хавфсизлик Кенгаши муддатни узайтириш тўғрисидаги резолюцияни овозга қўйди.



Лойиха ташаббускори



бўлган 7 та давлат (улар орасида АКШ, Франция ва Буюк Британия ҳам бор) Грузия-Абхазия чегарасидаги БМТ кузатувчилари мандатини узайтириш учун овоз берган бўлса, Хитой, Вьетнам ва Уганда бетафарф қолди. Россия эса вето ҳуқуқидан фойдаланиб, қарши овоз берди.

МАҲСУЛОТЛАР ЭКСПОРТИ ТАҚИҚЛАНДИ

Шу йил 25 майда Шимолий Корея томонидан ўтказилган ядро синовларига жавобан Япония маъмурияти Шимолий Кореяга маҳсулот экспортини тақиқлади. Япония Савдо вазирлигидан олинган манбаларга асосланиб «AFP» АА маълум қилишича, ушбу тақиқлов 2010 йилнинг апрелигача амал қилади. Тақиқлов барча турдаги Япония маҳсулотларига тааллуқлидир.

ОМАДЛИ ПЕНСИОНЕР МИЛЛИОНЕР БЎЛДИ

Бой бўлишнинг эрта-кечи йўқ экан. Буюк Британиянинг Болтон шаҳрида яшовчи 74 ёшли Брайан Кесвелл EuroMillions лотереяси-дан 25 миллион евро ютиб олди. Собиқ инженер бу билан Англия тарихида энг катта жек-пот ютган шахс сифатида қолди.

Миллионер катта микдордаги пулни қўлга киритгач, журналистлар эътиборидан қочиш мақсадида тезда ўз дала-хавлисига жўнаб кетди. Энди у бу пулга оила аъзоларининг ҳаммасига етарли бўлган каттагина от фермасини сотиб олишни режалаштирмоқда. Эр-хотинларнинг



Корхоналар ва ташкилотлар раҳбарлари диққатига! ЗАРАФШОН ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМЛАРИ ҲАВЗА БОШҚАРМАСИ ҚОШИДАГИ ГИДРОГЕОЛОГИЯ-МЕЛИОРАТИВ ЭКСПЕДИЦИЯСИ

қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Table with 4 columns: Lot №, Объект номи ва манзили, Бошланғич нархи КҚСсиз, Қурилиш мuddати. It lists five lots for irrigation system construction in Zarafshon.

Қурилиш ишлари Сугориладиган ерларнинг мелiorатив ҳолатини яхшилаш жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади. Савдо ташкилотчиси — Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази. Буюртмачи: Зарафшон Ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси қошидаги Гидрогеология-мелиоратив экспедицияси. Манзили: Самарқанд шаҳри, Гагарин кўчаси, 70-уй, телефон: (8-366) 234-04-34. Талабгор сифатида ишти-

рок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: танлов савдолари предмет қийматининг камида 20 фоизи микдоридида айланма маблағнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағнинг беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибасига ва кўникмаларга ҳамда шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим. Танлов савдоларида мамлака-

тимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун ҳужжатларида мувофиқ импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб берилган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади. Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд

вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича муурожаат қилиш мумкин: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Танлов ҳужжатлари битта 70 000 сум.

Оферталар савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази томонидан қуйидаги манзилда қабул қилинади: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона, тел: 231-13-51, факс: 233-32-00.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишининг охириги мuddати — оферталар очилиш кунни ва соати-гача.

Таклифлар (оферталар) очилиш матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 15 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида соат 15.00 да ўтказилади.

Тошкент менинг тақдиримда



Мўътабарлик мартабаси

Дунёда шаҳарлар кўп. Лекин мамлакат пойтахти мақомига эга бўлиш уларнинг ҳаммасига ҳам nasib этмайди.

Мен асли тошкентликман. Аждодларим киндик қони ҳам мана шу табаррук заминга тўкилган. Бунинг учун ҳамisha Аллоҳга шукроналар айтаман.

1937 йилнинг 1 июлида Тошкентда таваллуд топдим. 1944-1954 йилларда дастлаб 82-бошланғич, кейинчалик эса 90-ўрта мактабда тахсил олганман.

1959 йилда ҳозирги ЎзМУнинг филология факультетини тугатдим. Худди шу йилги ёш мутахассис сифатида Қарши педагогика институтига ишга юборилди.

Биз тенги авлоднинг болалиги жуда оғир даврларга тўғри келди. Мен юқоридаги саналарни беҳудага келтирмадим. 37-йиллар қатагонини, иккинчи жаҳон урушининг қонли кунларини Тошкент ҳам ўз бошидан ўтказди.

Тақдир тақозоси билан 3 йил Қашқадарёда ишладим. Ушанда Тошкентни яна қайтадан кашф этдим. Узоқлашганим сари тоғларнинг улғуворлигини теранроқ ҳис этар экансан.

1961 йилда ҳозирги мўътабарлик мартабаси менга берилди. Ушундан кейин мен Тошкентнинг қиёматини кўришга ҳақиман.

ЎзМУда фаолият бошладим. Салкам ярим аср давомида ёшларга адабиёт илмидан сабоқ бердим. Фан номзоди, доктори илмий даражаларига эришдим, профессор бўлдим. 2003 йилда «Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси», 2007 йилда «Ўзбекистон Республикаси фан арбоби» унвонига сазовор бўлдим. Ўзбек адабиётини ўқитишнинг долзарб масалаларига бағишланган «Ўзбек прозасининг камолли», «Танқидчилик уфқлари», «Илми гарибани кўмсаб», «Истеъдод ва эътиқод», «Танқид, талқин, баҳолаш», «Шарафли Шарафидиновлар» каби монография, рисола, китобларим айнан Тошкентда яратилди. Хуллас, илм-фанда нимагаки эришган бўлсам бунда аввало она шаҳрим Тошкент, қолаверса, Миллий университетимизнинг ўрни ва ҳиссаси катта.

эски қиёфасини суратларда томоша қилган бўлса, биз уни ўз кўзимиз билан кўрганмиз. Тошкент нафақат пойтахт, марказ, мамлакат юраги балки у бағрикенг диёр, нон шаҳри, иймон шаҳридир. Бугунги Тошкент манзараларига биз ўрганиб қолганмиз. Лекин пойтахтга ташриф буюрган меҳмонлар ҳис-ҳаяжони, эътирофидан шуни англаш мумкинки, Тошкент мамлакатимиз мустақиллигидан сўнг бутунлай янгидан бунёд этилди.

Бир пайтлар шаҳарда фақат икки жойда фонтан бўларди. Навоий театри ва бугунги Мустақиллик майдониди. Бугун эса фаввораларни санаб адоғига етолмайсиз. У ер, бу ерда бир-бирига ўхшаган кўрмисиз биноларни айтмаганда, шаҳарнинг кишини ўзига тортадиган жойи йўқ ҳисоб этилди. Бугун эса миллий

меъморчилигимиз услубида қурилган мухташам бинолар, кўприклар, йўللар, сўлим хиёбонлар, боғлар кўрган кўзни яшнатади. Мен бир умр олий ўқув юртида ишлаган бундан ўқитувчи сифатида шуни айтишим мумкинки, таълим масканларининг барча бўғинларида жуда катта ўзгаришлар, янгиланишлар юз берди.

Ушлаб олий таълим муассасаларига, коллеж ва лицейларга асос солинди. Биргина бу эмас, хорижий давлатларнинг машҳур университет ва институтларининг филиаллари очилди. Бир сўз билан айтганда, Тошкент том маънода илм-фан марказига айланди.

Мен Тошкент бағрида улғайдим, ўқидим, оила қурдим. Фарзандлар, набиралар камолини кўряп-

ман. Тошкентда улғуғ тоғларим Озод Шарафидинов, Суботой Долимов, Фулом Каримов, Матқуб Қўшоновлар меҳридан, зукко шоғирлар илмий ютуқларидан баҳраманд бўлдим. Мухтасар қилиб айтганда Тошкент меҳр-оқибат, муруват манзили, эзуғлиқ, тинчлик шаҳри сифатида ҳар биримизнинг тақдиримизга ўз муҳрини босган.

Кўни кеча муҳтарам Президентимизнинг Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантаналарни ўтказиш ҳақида қарори эълон қилинди. Мўътабарлик мартабасига эга бўлган Тошкентимиз бугун катта тўй арафасида турибди. Мен бир фарзанд сифатида жонажон шаҳримнинг кутлуг кунларидан фахрланаман.

Абдуғафур РАСУЛОВ, ЎЗМУ профессори.



Бугун ёшим етмишдан ошди. Шу йиллар орасида Тошкентнинг кўп оғир-енгил, қувончли ва қайғули кунларига гувоҳ бўлдим. Бугун ўйлаб қарасам пойтахтимизнинг олдинги ҳолати билан ҳозирги қиёфаси ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Айниқса, мустақиллик йилларида тошкент гуллаб-яшнади. Марказий Осиёнинг гавҳарига айланди.

Кимлардир Тошкентнинг

ҚИМИРЛАГАН ҚИР ОШАР...

Ҳар гал уйга борганимда онажонимни бирон юмуш билан банд ҳолда кўрадим. Баҳор ойлари тул новдасини кесиб, тоқ боғлағич ясаётган бўларди. Ҳамisha ҳаёли паршон юрди. Гоҳида қўлини тоқ-қайчи кесиб қоларди. Шунда ҳеч ким кўрмадимкин деган андишда у ёқ-бу ёққа қараб, набираларини қақириб қоларди: — Акмал! Зафар! Шуҳрат!..

Улардан бири чопиб келарди. Сенимас, акангни қақиряпман, дерди.

— Мени отимни айтди-у-й!
— Ҳа, эсим курсин, новдам та-

мом бўлибди. Опангга айт, тутдан уч-тўртта новда кесиб берсин.

Ҳа, онажоним бизни ҳам, набираларини ҳам бир зум бекор қўймади. Тоқ очиш, тоқ тараш, дарахтларга шакл бериш... Ишнинг кети узилмасди. Бўёғи мол-ҳолга қараш. Ҳаммасига улғурардик. Ишнинг, қандай бажарилганини доимо назорат қиларди. Ҳаракат бор жойда баракот бўлади дейишганича бор. Унча катта бўлмаган боғимиздан тузуккина даромад қилардик.

Ҳаёт экан, дунёнинг ишларидей. Мана, энди онажонимнинг

юмушлари менга қолган. Уша тоққайчи қўлимда. У бўшади дегунча артиб-суртиб, гипсофига солиб, жойига осиб қўяман. Доимо кўз ўнгимда туради, авайлаб-асрайман, онажонимдан қолган ёдгорлик...

Энди билсам, бу юмушлар бир эрмак экан. Бог иши билан банд бўлиб, кеч бўлганини билмай қоламан. Фарзандларим ҳам ўз ишини билиб қилади. Бувисидан ўрганганлари зое кетмади. Энг муҳими, оилага ёрдам. Ҳамма нарса ўзимиздан чиқади.

Шу ўринда ҳайрон қоламан. Бир парча бўлса ҳам ери бор

одамларни «берсанг ейман, урсанг Уламан» деб юриши, шу ерда фойдаланмай, қўкату сабзавот учун бозорга югуриши яхшими? Йигит кишини сал уринчоқ бўлгани маъқул. Тағин ким билади дейсиз.

Зеро, ҳаракат қилган одам кам бўлмайди. Ҳозир қимирлаган инсон борки, кўни ўтпяти. Яшаш тарзи ҳар қачонгидан яхши. Минг марта шукрона айтсанг арзийди. Аммо ерни парвариш қилишини ян унутмаслик керак. Ҳаммамизни боқадиган — ер...

Юнус ЗИЁДОВ, меҳнат фахрийси.

Шукроналик

Газетада босилмади, аммо...

КАМЧИЛИКЛАР БАРТАРАФ ЭТИЛДИ

Фаргона вилоятидаги муҳбиримиз томонидан тайёрланган Фаргона шаҳар деҳқон бозоридagi камчиликлар хусусидаги «Деҳқон бозоридagi нархларни ким белгилайди?» сарлавхали танқидий мақола чоп этилмасдан вилоят ҳокимлиги эътиборига ҳавола этилган эди. Ушбу мақола юзасидан яқинда жавоб хати олдик.

«Вилоят бозорлар уюшмасида шаҳар, туман деҳқон бозорлари, савдо харид корхоналари ва давлат солиқ бошқармаси раҳбарлари иштирокида ўтказилган йиғилишда мақолада кўрсатилган камчиликлар бошқа шаҳар ва туман деҳқон бозорларида тақрирланмаслигининг олдини олиш бўйича жойлардаги солиқ инспекцияси бошлиқларига тегишли топшириқ ва кунлик назорат ўрнатиш вазифаси белгилаб берилди.

Бозорда нарх-наво ассосиз ўсиб кетишининг олдини олиш мақсадида деҳқон бозори қошида савдо харид корхонаси фаолият кўрсатмоқда. Корхона томонидан аҳолига арзон нарх-

ларда қишлоқ хўжалик маҳсулотларини етказиб бериш учун 2009 йилда 16 та фермер хўжаликлари билан жами 539,5 тонна (шундан 100 тонна қартошка, 429 тонна сабзавот, 16,5 тонна хўл мева маҳсулотлари) микродорида қишлоқ хўжалик маҳсулотларини сотиб олиш режалаштирилган бўлиб, шартномалар тузилган.

Фаргона шаҳар деҳқон бозориди ва савдо дўконларида сохта тадбиркорлик билан шуғулланаётган шахслар фаолияти бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва назорат идоралари ходимлари ҳамкорликда олиб борган назорат тадбирлари натижа-сида ноконуний сотилаётган 65733,4 минг сўмлик товар моддий бойликларини, жумладан, 57274,1 минг сўмлик божхона ҳужжатларисиз ва сифат сертификатсиз маҳсулотлар, 317,9 минг сўмлик тамаки маҳсулотлари, 3447,4 минг сўмлик алкоголь маҳсулотлари, 515,5 минг сўмлик дори-дармон воситалари, 670,6 минг сўмлик қолипчи нон маҳсулотлари, 179,0 минг сўмлик йодланмаган туз маҳсулотлари ноконуний сотилаётганини сабабли далилий ашё сифатида олинди.

Шунингдек, назорат тадбирлари давомида 1770,7 минг сўмлик ўсимлик ёғи ва 513,0 минг сўмлик ун маҳсулотлари ноконуний сотилаётганини аниқлашиб, махсус дўконлар орқали аҳолига белгиланган нархларда соттирилди.

Мазкур қондабузарликлар бўйича ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан 6 та жиноий иш қўзғатилди, 36 нафар қондабузарларга нисбатан 2856 минг сўм маъмурий жарима қўлланилди ва 85 та текшириш ҳужжатлари конуний чора кўриш учун Фаргона шаҳар жиноий ишлар судига юборилди.

Юқоридагилардан ташқари, Фаргона шаҳар «Марказий деҳқон бозори» ҳиссадорлик жамияти кузатув кенгашининг 2009 йил 28 апрелдаги қарорига асосан ҳиссадорлик жамияти бошқарув раҳбари Р.Султонов билан тузилган меҳнат шартномаси бекор қилинган. Фаргона марказий деҳқон бозоридида кўрсатилган камчиликларни бартараф этиш юзасидан жамият бошқарувиға тегишли кўрсатмалар берилди.

Вилоят ҳокими ўринбосари О.Мансуров

Жиззах шаҳридаги Акушерлик мажмуида ўтган йили 4449 та туғуруқ қайд этилди. Энг муҳими, қақалоқлар соғлом, оналар соғ-саломат.

ХАЛҚАРО СЕРТИФИКАТ

— Она ва бола саломатлигини муҳофаза қилиш асосий вазифамиз, — дейди мажмуа бош шифокори Дилдора Рашидова. — Бунинг учун биз аввало, бўлажақ оналарни туғуруққа тайёрлаш, уларга она ва бола скрининг текширувлари афзалликларини тушунириш масалаларига алоҳида эътибор қаратаёلمиз.

Акушерлик мажмуи ўтган йил яқунларига кўра, ЮНЕСЕФ халқаро ташиқлотининг «Болага дўстона муносабатда бўлган туғуруқхона» сертификатига муносиб, деб топилди. Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ, «Ўзбекистон овози» муҳбири.

Ўзбекистон кубоги:

«НАСАФ», «НЕФТЧИ» ЖАМОАЛАРИ ЯРИМ ФИНАЛДА

Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси футбол бўйича Ўзбекистон кубогининг ярим финалига йўлланма олганлигини хабар қилгандик. Кўни кеча мамлакат бош соврини учун курашни давом эттирадиган яна икки жамоа номи маълум бўлди.

Қаршида мусобақанинг 1/4 финал босқичидан ҳой олган «Насаф» — «Хоразм» жамоалари учрашуви ўтказилди. Унда ҳужумкор ва мазмунли ўйин намойиш этган қаршиликлар йирик ҳисобда зафар кучишди — 4:1.

Тўпларни мезбонлардан Илхом Шомуродов (2 та), Жаҳонгир Жиямуродов, Мақсуд Каримовлар киритган бўлса, «Хоразм» вакиллари-нинг ягона голи Сарвар Ибодуллаев ҳисобига эврилди.

Мусобақанинг нимчорак финалида Бекободнинг «Металлург» футболчиларини йирик ҳисобда (5:0) мағлубиятга учратган «Нефчи» жамоаси галабали одимини давом



эттирди. 1/4 финал босқичида Зарафшоннинг «Кизилкум» футболчилари фарғоналиклар меҳмони бўлишди. Мезбонларнинг тўлиқ устунигида ўтган ушбу ўйинда зарафшонликлар ўз дарвозалари тўридан жавобсиз учта тўп олиб чиқишди — 3:0. Энди қурыға кўра, Ўзбекистон кубоги ярим финалининг дастлабки учрашувида «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари ўзаро баҳс юритишса, «Нефчи» футболчиларининг рақиблари 7 июнь кўни бўладиган «Пахтакор» — «Бухоро» жамоалари ўйинидан сўнг маълум бўлади. Мусобақа низомига мувофиқ, ярим финал голиблари икки учрашув (уй-сафар тизими) асосида аниқланади.

Ўз ФА Астрономия институт жамоаси институт директори Шухрат Эгамбердиевга отати Абдуманноп ЭГАМБЕРДИЕВнинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изхор этади.

«Нефчи» футболчиларининг рақиблари 7 июнь кўни бўладиган «Пахтакор» — «Бухоро» жамоалари ўйинидан сўнг маълум бўлади. Мусобақа низомига мувофиқ, ярим финал голиблари икки учрашув (уй-сафар тизими) асосида аниқланади.

КЕЧИКТИРИЛГАН УЧРАШУВЛАР ҚАЧОН БЎЛАДИ?

Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2010 йили Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувларида иштирок этбатганиги муносабати билан олий лига жамоаларининг 11 ва 12-турдан ҳой олган айрим ўйинлари кечиктирилганди. Ўзбекистон профессионал футбол лигаси матбуот хизмати-нинг хабар қилишича, қолдирилган баҳсларнинг қайси кунларда ўтказилиши белгиланди.

Унга кўра, 12-турнинг «Навбахор» — «Нефчи», «Пахтакор» — «Машъал», «Насаф» — «Бунёдкор» жамоалари учрашувлари 3 июль кўни бўлиб ўтади. Биринчи турнинг марказий ўйин-ларидан бири сифатида эътироф этилаётган 11-турнинг «Бунёдкор» — «Пахтакор» жамоалари баҳси эса 12 июль кўнига белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон кубогининг айрим учрашувлари вақти ҳам аниқланди. Жумладан, чорак финалнинг «Пахтакор» — «Бухоро», ярим финалнинг эса «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари учрашувлари 7 июль кўни ўтказилмади бўлди.

Эслатиб ўтамиз, тақвим бўйича олий лига жамоалари навбатдаги ўн учинчи тур ўйинларини 19-20 июнь кунлари ўтказишади.

Эркин ХОЛБОЕ

«Насаф» футболчиларининг рақиблари 7 июнь кўни бўладиган «Пахтакор» — «Бухоро» жамоалари ўйинидан сўнг маълум бўлади. Мусобақа низомига мувофиқ, ярим финал голиблари икки учрашув (уй-сафар тизими) асосида аниқланади.


«Насаф» футболчиларининг рақиблари 7 июнь кўни бўладиган «Пахтакор» — «Бухоро» жамоалари ўйинидан сўнг маълум бўлади. Мусобақа низомига мувофиқ, ярим финал голиблари икки учрашув (уй-сафар тизими) асосида аниқланади.

Эркин ХОЛБОЕ

«ДЕМОКРАТЛАШТИРИШ ВА ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ»

илмий-маърифий журналининг 2-сони нашрдан чиқди

Журналининг бу сониди ҳам юртимизда демократлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш, фуқаролик жамиятини шакллантириш йўлидаги саяёҳаракатлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳуқуқий саводхонлини ошириш каби масалаларга оид мақола-лар ўрин олган. Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентлик-ларини қўллаб-қувватлаш ва ри-вожлантириш жамоат фонди директори Жамолидин Ҳакимовнинг «Ахборотлашган жамият: инсон ҳуқуқларини таъминлашда журналист масъулияти» мақоласи кўпмиқдда қизиқувчан уйғатади, деб ўйлай-миз.



Журнал саҳифаларидаги «Инсон, унинг қадр-қиммати ва ҳақ-ҳуқуқи — муқаддас» ёки «Ходимларнинг адолатли меҳнат шaroитларида ишлаш ҳуқуқларини амалга ошириш» мақолаларида ҳам долзарб масалалар ҳақида фикр юритилди. Сиевсий фанлар номзоди Қодир Жўраевнинг «Сайлов-да Абсентизм: хорижий мамлакатлар тажрибаси ва Ўзбекистон» сарлавхали мақоласида дунёнинг тур-ли мамлакатларида парламент ва президент сай-ловларини ўтказиш тажрибаси билан танишасиз. Журналда шунга ўхшаш кўплаб қизиқарли мате-риаллар чоп этилган.

Мирзо АНВАР

«Ёз — 2009»

ТАЪТИЛ МАРОҚЛИ ЎТМОҚДА

Сурхондарё вилоятида жорий мавсумда ўнга яқин сўлим оромгоҳ ва олтмишдан ортиқ мактаблар қошидаги кундузги оромгоҳлар-да ўн бир минг нафарга яқин ўғил-қиз дам олиб, саломатлигини тиклайди.

Кам таъминланган оила-ларнинг фарзандлари, махсус мактаб-интернат ва Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари бе-пул ва имтиёзли йўллан-малар билан таъминлан-моқда. Дам олиш маскан-ларига йигирма миллион сўмликдан ортиқ спорт анжомлари ва бошқа жи-ҳозлар етказиб берилди. Вилоятнинг Шеробод туманидаги тоғ бағрида жойлашган «Бешбулоқ-Сурхон-Шеробод» ором-гоҳида ёз буйи 500 на-фардан зиёд ўғил-қиз дам олиши режалашти-рилган. Барча шароит-лар яратилган бу маскан-да айна пайтда 200 ўғил-қиз мароқли хордиқ чикармоқда.

лан бойитилди, — дейди оромгоҳ директори Ш.Муродуллаев. — Бо-лаларнинг саломатлиги тажрибали шифокорлар томонидан назорат қилиб борилмоқда. Улар-нинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишлари учун ўнга яқин тўғрақ фаолият кўрсатмоқда. Турли учрашув ва бошқа кўнгилочар тадбирлар, спорт мусобақалари таш-кил этилаётган. Тоғ бағри-га ва «Сурхон» давлат кўриқхонасига уюштирил-ган саёҳатларда ўғил-қиз-лар ноёб ўсимлик ва ҳай-ванот дунёси билан та-нишдилар ва бу ердаги экологик маданият улар-да катта таассурот қол-дириди.

Х.МАМАТРАЙИМОВ, ЎЗА муҳбири.

Table with contact information for BOSH MUHARRIR, Safar OSTONOV, TAHIR HAY'ATI, MUASSIS, BO'LIMLAR, PARIYA HAYOTI, Madaniyat va sport, Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot, Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot, Reklama va e'lonlar, Mas'ul kotib, VILOYAT MUXBIRLARI, Andijonda, Buxoroda, Gulistonda, Jizzaxda, Navoiyda, Namanganda, Nukusda, Samarqandda, Urganchda, Farg'onada, Denovda, MANZILIMIZ, Gazeta O'zbekiston o'zining kompyuter markazida terildi va sahifalandi, Sahifalovchi-dasturchilar, SOBIJON TUNG'ATOV, ZAFAR BAKIROV, Korxonalar, Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida, ISSN 2010-7633, O'ZA yakuni, Topshirilgan vaqti, Sofuvida erkin axborot.